

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Жиззах шаҳри

2023 йил 24 август

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.С.Джураев раислигида, судья ёрдамчиси А.Мусаев котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси “Агробанк банк” АТБ манфаатида, жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖга нисбатан даъво аризаси юзасидан иқтисодий ишини Жиззах туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакили Ф.Норбоев (ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили З.Явкаштиев (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси “Агробанк банк” АТБ (кейинги ўринларда даъвогар деб юритилади) манфаатида судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖга (кейинги ўринларда жавобгар деб юритилади) тегишли бўлган 4 дона “Вектор” русумли ғалла ўриш комбайнини кредит таъминоти учун гаров шартномаси тузиш мажбуриятини юклаш ва кредит таъминоти учун кредит қайтмаслик хатари суғурта шартномаси тузиш ва банкка тақдим қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили Ф.Норбоев ўз кўрсатмасида, даъво талабини қўллаб қувватлаб, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили даъво талабига нисбатан эътироз билдириб, даъво аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд мажлисининг манзили ва вақти тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига асосан мазкур низони палата вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.



Суд, тарафлар вакилларининг кўрсатмасини тинглаб, важларини таҳлил қилиб, ишга тақдим қилинган ҳужжатлар-далилларга тегишли баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, “Агробанк банк” АТБ Жиззах филиали ва “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖ ўртасида 2023 йил 15 майда 186-сонли кредит шартномаси имзоланган.

Унга кўра банк қарз олувчига айтанма маблағни тўлдириш учун йиллик 23,99 фоиз тўлаш шarti билан 18 ой муддатга 1.000.000.000 сўм миқдорида кредит маблағ ажратиши, қарз олуви эса олинган кредит суммасини 2024 йил 15 октябргача қайтариб бериш мажбуриятини олган.

Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 5.2-бандига кўра жавобгар:

- 2020 йилда ишлаб чиқарилган “Вектор-410” русумли 4 дона ғалла ўриш комбайнларини банк келишув битимига ассосан 977.587.500 сўмга,

- Суғурта компаниясининг кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси 222.412.500 сўм.

Жами 1.200.000.000 сўмлик таъминот тақдим этиш мажбуриятини олган.

Шунингдек, шартноманинг 5.3 бандига кўра жавобгар кредит мажбуриятларини бажарилишини таъминловчи шартномани кредит шартномаси тзилган кундан бошлаб 5 банк иш кунида даъвогарга белгиланган тартибда тақдим қилиш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда ФК деб юритилади) 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак, ушбу кодекснинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ФКнинг 736-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳуқуғига эга.



ФКнинг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 279-моддасига биринчи қисмига кўра, Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

ФКнинг 280-моддаси биринчи қисмига кўра, Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабр “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун хўжжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарорининг 3-бандида банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

Бунда кредит ташкилотининг қарз олувчига кредит суммасини бериш (ҳисобвараққа ўтказиш) бўйича шартномавий мажбуриятлари шартнома тузилган пайтидан бошлаб, қарз олувчининг фоизларини тўлаш, кредитни қайтариш бўйича шартномавий мажбуриятлари эса, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кредит суммаси реал олинган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ушбу Пленумининг 5-бандида қарз олувчилар (қарздорлар)нинг кредитларни қайтармаганлик учун кредит ташкилотлари олдидаги жавобгарлиги доирасини аниқлашда судлар қарз таркибига кредитнинг ёки унинг бир қисмининг суммаси, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, кредит шартномасида белгиланган ҳажмда бошқа тўловлар (комиссиялар) киришидан келиб чиқишлари зарур.

Ушбу Пленумининг 13-бандида Қонун хўжжатларининг мазмунига кўра, қонун бўйича ҳар қандай ҳақиқий мажбурият гаров билан таъминланиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган, Ўзбекистон Республикасининг қонун хўжжатларига мувофиқ ундирув қаратилишига йўл қўйиладиган ҳар қандай мол-мулк (корхона, бино,



иншоот, жиҳоз, бошқа ишлаб чиқариш жамламалари, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, мулкӣ ҳуқуқлар ва ҳоказо) гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Жавобгар белгиланган муддатда керекитни таъминоти сифатида ускуна ва жиҳозларни гаровга қўймаганлиги ҳақида даъвогар томонидан талабномалар юборилган.

Жавобгар уларни жавобсиз ва оқибатсиз қолдирган.

Қайд этилганларга мувофиқ, суд, жавобгар томонидан кредит ҳисобига сотиб олинган ускуна ва жиҳозларни кредит таъминоти сифатида гаровга қўймаганлигини инобатга олиб “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖ зиммасига кредит ҳисобига сотиб олинган ускуна ва жиҳозларни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш мажбуриятини юклашни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофиқ, низонинг судгача етиб келишидаги айбини инобатга олиб давлат божи, почта харажатлари тўловини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабр “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун хўжжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 236, 279, 280, 736, 744-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 127, 128, 176, 180, 181, 186-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖдан даъвогар “Агробанк банк” АТБ фойдасига 33.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖ зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ўн кун муддати ичида 2020 йилда ишлаб чиқарилган “Вектор-410” русумли 4 дона ғалла ўриш комбайнларини банк келишув битимига асосан 977.587.500 сўмга “Агро банк” АТБдан олган кредит таъминоти учун гаров шартномаси тузиш мажбурияти юклатилсин.

Жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖ зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ўн кун муддати ичида кредит таъминоти учун кредит қайтмаслик хатари суғурта шартномаси тузиш ва банкка тақдим қилиш мажбурияти юклатилсин.



Жавобгар “ЗОМИН ЗАФАРБОД КЛАСТЕР” МЧЖдан Республика бюджетига 6.600.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши, суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья

Н.С.Джураев

